

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

САФАРОВА НОДИРА АШУРАЛИЕВНА

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (Doctor of
Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (Doctor of
Philosophy) on economical sciences**

Сафарова Нодира Ашуралиевна

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа
тортишни такомиллаштириш 3

Сафарова Нодира Ашуралиевна

Совершенствование налогообложения физических лиц, занимающихся
предпринимательской деятельностью 25

Safarova Nodira Ashuralievna

Improving the taxation of individuals engaged in entrepreneurial activities 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

САФАРОВА НОДИРА АШУРАЛИЕВНА

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Iqt1227 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент молия институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Хайдаров Низамиддин Хамраевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Жўраев Абдугаффор Сафарович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Шарипов Фарход Гўйибович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
ҳузуридаги Фискал институт

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» 01 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.:(99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2022 йил «14» 01 кун таркатилди.
(2022 йил «14» 01 даги № 4- рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
Т.З.Тешабасев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

[Signature]
Ф.К.Холмаматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

[Signature]
И.Н.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тадбиркорлик фаолияти ва уни солиққа тортишни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадларини солиққа тортиш тизими ўзига хос ва умумий хусусиятларга эга. Шу билан бирга, жисмоний шахсларнинг ўзини ўзи иш билан банд қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожланганлиги улар ўртасидаги ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларни очиб бериш заруратини юзага келтирди. Хусусан, «ўзини ўзи банд қилиш ва фрилансерлик одатда тадбиркорлик шаклларида бири сифатида белгиланади, гарчи бу тоифалар ўртасида аниқ чегара мавжуд бўлмасда, тадбиркорлик фаолияти, ўзини ўзи банд қилиш ва фрилансерлик тоифалари моҳиятан ўхшаш бўлиб, бир-бирини тўлдирди»¹.

Жаҳон амалиётида жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш ва ўзини ўзи иш билан банд қилиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, уларни солиқ механизми орқали қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда солиқларни рағбатлантириш функциясига алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ, жаҳонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш борасида ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, солиқ режимини танлашда кичик корхоналар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи иш билан банд қилган шахслар аниқ ажратилмаганлиги билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистон аҳолиси даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар муҳим ўрин тутади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинган солиқлар бюджет даромадлари нуқтаи назаридан салмоғи кичик бўлсада, лекин аҳолининг кенг қатламларини қамраб олганлиги, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, асосий ёки қўшимча даромад манбаини яратиш, ишсизликни қисқартириш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш каби жараёнларда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Шу нуқтаи-назардан, «2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутади. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун хар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин»². Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида тадбиркорлик фаолияти билан

¹И.Н. Дубина, Д.Т. Байтенизов, Д. Кэмпбелл, Э. Караянис, Т.А. Азатбек. Фриланс как интеллектуально-креативная форма самозанятости в новой экономике: траектория новой парадигмы самозанятости// Социально-экономические явления и процессы. 2019. Т. 14. № 3(107).

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.: Ўзбекистон, 2019. 17 б.

шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Амалдаги тартиб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишда муайян даражада адолатлилиқни таъминлашга хизмат қилаётган бўлса-да, айтилиши мумкин уларнинг солиқ мажбуриятларини оширишга сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартибининг таҳлил қилиш асносида дахлдор муаммоларни бартараф этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш заруратини тақозо этиши мазкур диссертация иши мавзусининг долзарблигини ифода қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4555-сон ҳамда 2020 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4938-сон қарорлари, шунингдек ушбу соҳага тегишли муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш масалалари J.Huang, J.Rios, G.Faggio, O.Silva, I.Szarowska, Я.Митрюшкин, И.Золотерева, С.Шахбанова, Н.Зотиков, Н.Косшелева ва бошқа хорижий иқтисодчи-олимларнинг илмий изланишларида тадқиқ қилинган³.

³Jason Huang, Juan Rios. Optimal tax mix with income tax non-compliance *Journal of Public Economics*, Volume 144. December. 2016. P. 52-63.; Faggio G., Silva O. Self-employment and entrepreneurship in urban and rural labour Markets// *Journal of Urban Economics* 84 (2014) 67-85.; Szarowska I. Personal income taxation in a context of a tax structure. *Procedia Economics and Finance* 12 (2014) 662- 669.; Митрюшкин Я.Ю. Совершенствование налогообложения индивидуальных предпринимателей в РФ: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. М., 2002.; Золотерева И.Л. Совершенствование налогообложения индивидуального предпринимательства: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. М., 2007. С. 21.; Шахбанова С.Р. Совершенствование механизма налогового регулирования индивидуального предпринимательства: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Махачкала, 2014.; Зотиков Н.З. Особенности налогообложения физических лиц в Германии // *Вестник Евразийской науки*. 2020. №4.; Kosheleva N., Kosheleva A. The System of Taxation of Individual Entrepreneurs in the New Realities of Industrialization and Digitalization. *SHS Web Conf.* Volume 93. 2021.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан О.Абдурахмонов, А.Адизов, Н.Хайдаров, А.Жўраев, И.Ниязметов, Ж.Урмонов, И.Юлдашев, М.Усманова, Ф.Шарипов, Ш.Қиёсов, М.Сабилов, А.Агзамов, Қ.Тўхсанов ва бошқаларнинг илмий ишларида жисмоний шахслар даромадларини, яқка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортишга доир илмий тадқиқотлар олиб борилган⁴.

Юқорида келтириб ўтилган илмий ишланмаларда асосан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, даромадларни декларациялаш, тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишга доир муаммолар тадқиқ қилинган. Улар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг айрим масалалари ўрганилган бўлсада, шу вақтга қадар республикада яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш муаммолари яхлит тарзда тадқиқ қилинмаган. Ушбу ҳолат мазкур диссертация ишида тадқиқ этилган илмий-назарий ва амалий муаммолар ҳамда уларнинг ечимига қаратилган илмий таклиф ва тавсияларнинг долзарблигини намоён этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий ишлари режасининг «Рақамли иқтисодиёт шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

⁴Абдурахманов О. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: ДЖҚА, 2005. 40 б.; Адизов А. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимини такомиллаштириш: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: ДЖҚА, 2004. 21 б.; Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: ДЖҚА, 2003. 34 б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: ДЖҚА, 2005. 46 б.; Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш: Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.: БМА, 2018. 70 б.; Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари: Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.: БМА, 2018. 70 б.; Юлдашев И.С. Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини жорий этиш масалалари: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т.: БМА, 2002. 22 б.; Усманова М.С. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортишни такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т.: БМА, 2011. 23 б.; Шарипов Ф.Г. Ўзбекистонда ташки савдони тартибга солишда солиқ сиёсатини такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.: ТМИ, 2019. 70 б.; Қиёсов Ш.У. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: ТМИ, 2019. 57 б.; Сабилов М. Даромадларни солиққа тортишда ижтимоий чегирмаларни қўллашнинг зарурлиги //«Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. 2018. № 6. Декабрь.; Агзамов А.Т. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: ТДИУ, 2019. 56 б.; Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: ТДИУ, 2019. 61 б.

жисмоний шахслар даромадлари таркиби ва уларни солиққа тортишни ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини тадқиқ қилиш;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг назарий-иқтисодий асосларини очиб бериш;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг хусусиятлари ва тартибини таҳлил қилиш;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг хориж тажрибасини қиёсий ўрганиш;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишни такомиллаштириш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиёти олинган.

Тадқиқот предмети тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида маълумотларни гуруҳларга ажратиш, уларни таҳлил ва синтез қилиш, илмий абстракция, кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиш, статистик маълумотларни қиёслаш ва таққослаш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини 25 фоизгача пасайтириш орқали солиқ юкини тўғри тақсимлаш асосида норасмий сектордаги тадбиркорлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш таклиф этилган;

қатъий белгиланган солиқ ўрнига ихтиёрий равишда декларация топшириш орқали даромад солиғини тўлашни жорий этиш асосида фаолияти мавсумий хусусиятга эга якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқ юкини пасайтириш таклиф этилган;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолиятлари натижасида олинган даромадларини солиққа тортмаслик асосида бир миллиондан ортиқ аҳолининг расмий бандлигини таъминлаш таклиф этилган;

енгил автотранспорт воситаларида йўловчиларни ташиш фаолиятини якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига киритиш ва қатъий белгиланган тартибда солиққа тортиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари пасайтирилиши уларнинг солиқ юкини мос равишда камайишига олиб келди;

якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ тўлаш ўрнига ихтиёрий равишда декларация асосида даромад солиғини тўлаш имкониятининг берилиши мавсумий фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг солиқ мажбуриятларини мақбуллаштирди;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадларини солиққа тортмаслик натижасида кўплаб яширин

фаолият олиб бораётган жисмоний шахслар фаолиятини легаллаштиришга эришилди;

молиявий аҳволи қониқарли бўлмаган тадбиркорларга солиқ қарзини бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятининг берилиши, якка тартибдаги тадбиркорларнинг молиявий ресурсларини барқарорлашишига хизмат қилмоқда;

йўловчиларни автотранспорт воситаларида ташиш фаолиятини якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига киритилиши ва белгиланган тартибда солиққа тортилиши соҳада яширин иқтисодиёт даражасини пасайишига ва бюджет даромадларини мустаҳкамланишига эришилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишга доир хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи-олимларининг илмий-назарий қарашлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси маълумотларидан фойдаланганлиги, хулоса ва таклифларнинг синовдан ўтказилганлиги ҳамда олинган натижаларни ваколатли давлат бошқарув органи томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишни такомиллаштиришда ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишни такомиллаштириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишни такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини камайтириш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сонли «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 29 июлдаги 06/04-02-01-32/1116-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этилиши натижасида тадбиркорларга солиқ юкини тўғри тақсимлаш ва норасмий сектордаги тадбиркорлар фаолиятини қонунийлаштиришни рағбатлантиришга эришилган;

якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ тўлаш ўрнига ихтиёрий равишда декларация асосида даромад солиғини тўлаш тўғрисидаги таклиф 2019 йил 30 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 29 июлдаги 06/04-02-01-32/1116-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида фаолияти мавсумий аҳамиятга эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқ юкини камайтириш ва норасмий сектордаги тадбиркорлар сонини

қисқартиришга эришилган. 2021 йил 1-ярим йиллигида 1113 нафар якка тартибдаги тадбиркор декларация асосида даромад солиғи тўлаши натижасида давлат бюджетига 509 млн сўм солиқ ундирилишига эришилган;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадларини солиққа тортмаслик тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сонли қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 29 июлдаги 06/04-02-01-32/1116-сон маълумотномаси). Натижада, 2021 йил давомида 918 минг нафар ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолияти қонуний асосда йўлга қўйилган;

йўловчиларни автотранспорт воситаларида ташиш фаолиятини якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига киритиш ва белгиланган тартибда солиққа тортиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 майдаги ПҚ-5108-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 29 июлдаги 06/04-02-01-32/1116-сон маълумотномаси). Натижада, 2021 йил 1 июль ҳолатига йўловчиларни автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти билан шуғулланувчи 350 нафар якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиб, давлат бюджетига 52 млн сўм солиқ тўлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 15 та, шу жумладан 5 та халқаро ва 10 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ҳамда уларга ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси эътироф этган маҳаллий журналларда 4 та, нуфузли хорижий журналда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 15 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари белгилаб олинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ва ҳажмига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида жисмоний шахсларнинг даромадлари таркиби

ва уларни солиққа тортишни ижтимоий-иқтисодий аҳамияти тадқиқ этилган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг илмий-назарий асослари очиб берилган.

Тадқиқот ишида жисмоний шахслар даромадлари таркиби иқтисодчи олимлар ва қонунчилик ҳужжатлари асосида тадқиқ қилиниб, жами даромадлар таркибига тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар киритилмаганлиги аниқланган. Муаллифнинг фикрича, жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибига тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар ҳам киритилиши керак.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишга доир тадқиқотларда кўпроқ эътибор жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг назарий ва амалий жиҳатларига, жами йиллик даромадларни декларациялашга, даромад солиғини такомиллаштиришга қаратилган. Айниқса, сўнгги йилларда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимининг айрим жиҳатларини тадқиқ қилишга доир илмий изланишлар салмоғи ортган. Лекин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тартиби алоҳида ўрганилмаган.

Солиқ қонунчилиги ва амалиётида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ўзига хос тизими яратилиб, йиллар давомида қўлланилиб келинди. Лекин уларни солиққа тортишга доир бу ёндашув охир-оқибат солиққа тортишнинг жаҳон амалиётида синалган тамойилларини бузилишига олиб келди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилингунга қадар амалда бўлган тизими ўз олдига қўйилган вазифаларни деярли бажара олмай қолди. Натижада, уларни солиққа тортиш тизимини тубдан қайта ташкил қилиш зарурати юзага келди.

Тадқиқот ишида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг илмий-назарий ва ташкилий асослари тадқиқ қилиниб, улар таркибида асосий солиқ тўловчилари бўлиб яқка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) ҳисобланганлиги боис, асосий эътибор ЯТТлар фаолиятини солиққа тортишнинг таҳлилига қаратилган.

Муаллифнинг фикрича, солиқ амалиётида жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти борасида энг кўп ишлатиладиган ибора – бу яқка тартибдаги тадбиркор тушунчасидир. Яқка тартибдаги тадбиркорлар микрофирмалар ва кичик корхоналар билан бирга кичик тадбиркорлик субъектлари сифатида эътироф этилади.


Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ: «Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахс яқка тартибдаги тадбиркор ҳисобланади»⁵.

Тадқиқот ишида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишга доир муаллифлик

⁵Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири). <https://lex.uz/docs/4674902>

таърифи ишлаб чиқилган, яъни, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш бу - давлат бюджети даромадларини шакллантириш мақсадида жисмоний шахсларнинг қонунда белгиланган тадбиркорлик фаолияти турлари билан шуғулланиши натижасида оладиган даромадларини белгиланган солиқ ставкасига мувофиқ қисмини бюджетга ундиришдир.

Жисмоний шахсларнинг юридик шахсни ташкил этмасдан фаолият кўрсатиши мумкин бўлган тадбиркорлик фаолияти турлари қонун ҳужжатларида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги «Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 6-сон қарори ва унга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, якка тартибдаги тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати келтирилган⁶. Жисмоний шахслар юқоридаги қарорда келтирилган фаолият турлари бўйича белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб даромад олишлари мумкин. Ушбу фаолият турлари 4 та йирик гуруҳга бўлинади (1-расм).



1-расм. Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари⁷

Мазкур қарорда чакана савдо фаолиятининг 5 та тури, қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича хунармандчилик фаолияти (34 та тури), маиший хизматларнинг 32 та тури ва 50 та бошқа фаолият турлари келтирилган. Шунингдек, 2021 йил 15 майдан эътиборан йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига киритилди⁸.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг қабул қилиниши ва 2020 йил 1 январдан эътиборан амалда қўлланилиши тадбиркорлик фаолияти билан

⁶Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги “Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6-сон қарори, <https://www.lex.uz/acts/1727490>

⁷Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 майдаги “Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солишни янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5108-сон қарори, <https://lex.uz/docs/5422733>

шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимига ҳам муайян ўзгаришлар киритди. Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ўрнига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдори белгиланди. Бунда якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган солиқ номи ўзгарган бўлса-да, олдинги тартиб деярли ўзгармагани ҳолда, Солиқ кодексда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи таркибига киритилди. Лекин, якка тартибдаги тадбиркорларнинг йиллик товар айланмасидан келиб чиқиб, уларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдоридан солиқ тўлаш ёки айланмадан олинадиган солиқ ёхуд қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлаш мажбуриятининг белгиланиши тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимида кескин ўзгаришлар кузатилганлиги билан тавсифланади. Якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортишнинг амалдаги тартиби улар тўлайдиган солиқларни аҳамиятини ортишига олиб келди.

Диссертациянинг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартибини таҳлили» деб номланган иккинчи бобда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг хусусиятлари ва аҳамияти, солиққа тортиш тартиби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Солиқларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар фаолиятига таъсири ўрганилган.

Амалдаги солиқ қонунчилиги якка тартибдаги тадбиркорлар даромадларини солиққа тортишнинг 3 хил тартибини назарда тутмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) даромадларини солиққа тортиш тартиби⁹

Реализация тушумлари миқдори	Солиқ тури	Солиқ ставкаси	Солиқларни тўлаш тартиби
100 млн. сўмгача	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	қатъий миқдордаги суммада	Қатъий белгиланган миқдордаги солиқ амалга ошириладиган фаолият тури учун белгиланган миқдорда тўланади.
		12 фоиз	ЯТТ даромад солиғини жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларация асосида тўлашлари мумкин.
100 млн сўмдан 1 млрд сўмгача	Айланмадан олинадиган солиқ	4 фоиз	Айланмадан олинадиган солиқни тўлайди (ёки ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ихтиёрий ўтиши мумкин).
1 млрд сўмдан юқори	Қўшилган қиймат солиғи	15 фоиз	ҚҚС ва фойда солиғини тўлайди (бунда фойда солиғини соддалаштирилган тартибда тўлашни танлаши мумкин).
	Фойда солиғи	15 фоиз	

⁹Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг амалдаги тартибида, уларнинг товарлар (хизматлар) реализациясидан даромади ортишига мос равишда солиқ мажбуриятлари ҳам ортиб боради.

Ўзбекистон солиқ қонунчилигига кўра якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари жисмоний шахслар ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, улар жисмоний шахслар тўлайдиган бошқа солиқларнинг ҳам тўловчилари ҳисобланади. Якка тартибдаги тадбиркорлар Солиқ кодексида белгиланган нормалардан келиб чиқиб эгалигидаги мол-мулки ва ер участкаларидан мазкур солиқларни тўлайдилар. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятида сувдан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳам тўлайдилар. Бундан ташқари якка тартибдаги тадбиркор календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъий назар ижтимоий солиқни тўлайди. Якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслардан олинадиган солиқ якка тартибдаги тадбиркор (солиқ агенти) томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва тўлов манбаида ушлаб қолинади.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, йиллар давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни асосий солиқ мажбурияти ҳисобланган қатъий белгиланган солиқни фискал аҳамияти унчалик юқори эмас (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида қатъий белгиланган солиқнинг аҳамияти¹⁰

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Давлат бюджети даромадлари, млрд сўмда	41043,5	49681,0	79099,1	112165,4	132938,0
Қатъий белгиланган солиқ, млрд сўмда	822,3	1042,8	1024,8	658,9	286,5
Қатъий белгиланган солиқни бюджет даромадларидаги улуши, фоизда	2,0	2,1	1,3	0,6	0,2

2016-2020 йиллар мобайнида давлат бюджети даромадлари мунтазам равишда ўсиб борган. Шунга мутаносиб равишда қатъий белгиланган солиқ суммаси ҳам 2017 йилга қадар ўсиб борган. Жумладан, 2016 йилда қатъий белгиланган солиқ 822,3 млрд сўмдан 2017 йилда 1042,8 млрд сўмга қадар (+220,5) ўсгани ҳолда, 2018 йилда 1024,8 млрд сўмни ташкил этиб, қисман 2019 йилда 658,9 млрд сўмни ва 2020 йилда 286,5 млрд сўмни ташкил этиб, кескин камайиши кузатилган. Мос равишда қатъий белгиланган солиқни бюджет даромадларидаги улуши 2016 йил 2,0 дан 2017 йил 2,1 фоизга қадар, яъни 0,1 фоизли пунктга ўсиши кузатилган бўлса, 2018 йилдан кескин

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

камайтиши кузатилиб 1,3, 2019 йилда 0,6, 2020 йилда 0,2 фоизни ташкил этганлиги аниқланди.

Муаллифнинг фикрича, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солиқнинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улушининг камайтиши аввало солиққа тортиш тартиби ва солиқ ставкаларидаги ўзгаришлар натижасида кузатилган.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланган қатъий белгиланган солиқнинг иқтисодиёт соҳалари бўйича динамикасининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, асосий солиқ тўловчилари бўлиб озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчилар ҳисобланади (3-жадвал).

3-жадвал

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланган қатъий белгиланган солиқ тушумларининг иқтисодиёт соҳалари бўйича шаклланиши¹¹, (фоизда)

Соҳалар ва хизматлар номи	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2020 йилда 2016 йилга нисбатан (+; -)
Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси	90,9	88,1	83,4	81,8	79,1	-11,8
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси	0,4	1,4	3,7	5,1	6,9	+6,5
Маиший хизматлар	0,4	1,0	2,1	2,3	2,9	+2,5
Ўз маҳсулотларини, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш	0,4	1,0	1,1	1,0	1,6	+1,2
Юкларни транспорт воситаларида ташиш бўйича хизматлар кўрсатиш	0,6	0,5	0,7	0,7	0,7	+0,1
Бошқа хизматлар	7,3	8,0	9,0	9,1	8,8	+1,5
Республика бўйича жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	-

Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси бўйича қатъий белгиланган солиқ тушуми жами солиқ тушумининг 2016 йилда 90,9 фоизини ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 79,1 фоизини ташкил қилиб, 11,8 фоизли пунктга камайтган. Бу ҳолат солиқ тўловчилар тоифасини ўзгариши ва солиқ ставкаларини пасайтирилиши билан изоҳланади.

Таҳлил қилинган йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосининг улуши 0,4 фоиздан 6,9 фоизга, маиший хизматларнинг улуши 0,4 фоиздан 2,9 фоизга, ўз маҳсулотларини, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон маҳсулотларини тайёрлаш ва сотишнинг улуши 0,4 фоиздан 1,6 фоизга, бошқа хизматларнинг улуши 7,3 фоиздан 8,8 фоизга қадар ортган. Юкларни транспорт воситаларида ташиш хизматларини улуши деярли ўзгармаган.

¹¹Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Демак, қатъий белгиланган солиқни асосий тўловчилари бўлиб озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобланади.

Республикада фаолият кўрсатаётган ЯТТларни реализация тушуми бўйича табақалашуви кўрсаткичларининг таҳлили кўрсатмоқдаки, 2019 йил 1 январь ҳолатига 221 997 нафар тадбиркорларнинг 221 945 нафари ёки 99,98 фоизи 100 млн сўмгача айланмага эга бўлган тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва қатъий белгиланган солиқ тўлаган. Шу даврда 100 млн сўмдан 1 млрд сўмгача айланмага эга бўлган ЯТТлар сони 37 нафарни, 1 млрд сўмдан юқори айланмага эга бўлган ЯТТлар сони 15 нафарни ташкил этган ҳолос (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган ЯТТларни реализация тушуми бўйича табақалашуви кўрсаткичлари ¹²

Кўрсаткичлар	01.01.2019 й.		01.01.2020 й.		01.01.2021 й.		01.06.2021 й.	
	нафар	%	нафар	%	нафар	%	нафар	%
Ҳақиқатда фаолият кўрсатаётган ЯТТлар сони	221 997	100,0	230 750	100,0	219 105	100,0	225 822	100,0
<i>шундан, реализация тушуми бўйича:</i>								
100 млн. сўмгача	221 945	99,98	199 148	86,3	183 547	83,8	190 330	84,3
100 млн сўмдан 1 млрд сўмгача	37	0,02	30 745	13,3	34 415	15,7	34 303	15,2
1 млрд сўмдан юқори	15	0,01	857	0,4	1143	0,5	1189	0,5

2021 йилнинг биринчи ярмида 225 822 нафар ЯТТнинг 190 330 нафари ёки 84,3 фоизи 100 млн сўмгача айланмага эга бўлган ЯТТларни, 34 303 нафари ёки 15,2 фоизи 100 млн сўмдан 1 млрд сўмгача айланмага эга бўлган ЯТТларни, 1 189 нафари ёки 0,5 фоизи 1 млрд сўмдан юқори айланмага эга бўлган ЯТТларни ташкил этган.

Таҳлил қилинган даврда 100 млн сўмгача айланмага эга бўлган ЯТТлар сони 31 615 нафарга (221945-190330) камайгани ҳолда, 100 млн сўмдан 1 млрд сўмгача айланмага эга бўлган ЯТТлар сони 37 нафардан 34 303 нафарга қадар, 1 млрд сўмдан юқори айланмага эга бўлган ЯТТлар сони 15 нафардан 1 189 нафарга қадар ортган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ЯТТларни солиққа тортиш тартибига 2019 йил 1 январдан жорий этилган ўзгаришлар натижасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни йиллик айланмасига қараб табақалашуви даражаси ортган. Бунда 100 млн сўмгача айланмага эга бўлган ЯТТлар сони ва улушининг камайишига ҳамда 100 млн сўмдан 1 млрд сўмгача ва ундан юқори айланмага эга бўлган ЯТТлар сони ва улушининг ошишига бошқа

¹²Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

омиллар билан бирга инфляция даражаси ҳам бевосита таъсир кўрсатган. Қайд этиш лозимки, йиллик айланмаси белгиланган суммадан ошган ЯТТлар кейинги солиққа тортиш тартибига ўтказилади ва белгиланган тартибда солиқларни тўлайди.

2017-2020 йилларда ЯТТлар томонидан тўланган жами солиқлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, солиқ тушумининг йиллар давомида камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Бу ҳолат 2019 йилдан эътиборан сезиларли даражада камайган. 2017-2018 йилларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар қатъий белгиланган солиқ тўлаган бўлса (2017 йилда 1042,7 млрд сўм, 2018 йилда 1024,9 млрд сўм), 2019-2021 йилларда қатъий белгиланган солиқ ёки айланмадан олинадиган солиқ ёхуд қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлаган. Лекин улар томонидан тўланган солиқ суммаси 2020 йилда 2017 йилга нисбатан деярли икки бараварга камайган (5-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган ЯТТлар томонидан тўланган солиқ тушумлари динамикаси¹³ (млрд сўмда)


Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й. (6 ойлик)
ЯТТлар томонидан тўланган жами солиқ тушумлари	1042,8	1024,8	859,5	523,8	450,8
Қатъий белгиланган солиқ	1042,8	1024,8	658,9	286,5	193,6
Айланмадан олинадиган солиқ	-	-	174,5	208,1	219,2
Қўшилган қиймат солиғи	-	-	20,4	22,1	20,5
Фойда солиғи	-	-	5,7	7,1	17,5

Бу ҳолат коронавирус пандемияси давридаги карантин чекловларининг жорий қилинганлиги, иқтисодиёт бир маромда ишламаганлиги, аҳолининг харид қобилиятини пасайиши ва бошқа омиллар таъсири билан изоҳланади. Шунинг билан бирга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг солиқ мажбуриятларини уларнинг йиллик товар айланмасига қараб белгиланиши яширин иқтисодиёт кўламини ортишига сабаб бўлмоқда.

Республикада фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланган солиқларни улар томонидан тўланган жами солиқ тушумларидаги улушининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қатъий белгиланган солиқнинг улуши 2019 йилда 76,6 фоизни, 2020 йилда 54,7 фоизни, 2021 йилнинг биринчи ярмида 42,9 фоизни ташкил этиб, камайганлиги кузатилган. Айланмадан олинадиган солиқнинг улуши таҳлил қилинган даврга мос ҳолда 20,3; 39,7 ва 48,7 фоизни ташкил этиб, ортиб бориши кузатилган. Қўшилган қиймат солиғининг улуши 2,4; 4,2 ва

¹³Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

4,5 фоизни, фойда солиғининг улуши 0,7; 1,4 ва 3,9 фоизни ташкил этиб, ўсиши кузатилган (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган ЯТТлар томонидан тўланган солиқларни улар томонидан тўланган жами солиқ тушумларидаги улуши динамикаси¹⁴ (фоизда)

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиққа тортишнинг 3 хил тартиби белгиланиши улар томонидан тўланган солиқларни камайишига олиб келган.

Амалга оширилган таҳлилларга кўра, якка тартибдаги тадбиркорларнинг солиқ мажбуриятлари йиллик товар айланмасига боғлиқ бўлгани ҳолда, бу ўринда амалдаги солиқ маъмурчилиги якка тартибдаги тадбиркорларнинг йиллик товар айланмаси миқдорини аниқлаш имкониятига эга эмас.

Диссертациянинг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари» деб номланган учинчи бобида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг хориж тажрибаси қиёсий ўрганилган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишни такомиллаштириш йўллари ёритилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг ривожланган мамлакатлар тажрибасида мазкур солиққа тортишнинг алоҳида тартиби қўлланилмайди.

Даромадларни солиққа тортишнинг хориж амалиётида якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи иш билан банд қилган фуқаролар фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи иш билан банд этган аҳоли фаолияти ривожланмоқда.

Хориж амалиётида, якка тартибдаги тадбиркор ва ўзини ўзи иш билан банд қилган фуқаролар ўртасида белгилаб қўйилган кескин фарқ мавжуд

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

эмас. Одатда якка тартибдаги тадбиркорлар тоифасига ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳоли киритилади ва уларнинг фаолияти муайян тартибда солиққа тортилади. Ривожланган мамлакатларда ўзини ўзи иш билан банд қилганлар фрилансерлар сифатида эътироф этилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, айрим мамлакатларда солиқ тартибини танлашда кичик корхоналар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи иш билан банд қилган шахслар тоифаси аниқ ажратилмаган. Аксарият мамлакатларда мазкур солиқ тўловчилар зиммасига шахсий даромад солиғи ва бошқа солиқларни тўлаш мажбурияти юклатилган. Тадқиқот ишида даромадларни солиққа тортишнинг прогрессив ва пропорционал тизимлари амал қилаётган мамлакатлар тажрибалари ўрганилган.

Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг прогрессив ставкалари амал қилаётган давлатларда якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш тартибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларда бир бирига ўзаро яқин солиққа тортиш тартиби амал қилади. Жумладан, Германия ва Францияда якка тартибдаги тадбиркорлар шахсий даромад солиғидан ташқари қўшилган қиймат солиғини ҳам тўлайди. Хитойда эса, якка тартибдаги тадбиркорлар қўшилган қиймат солиғини тўламайди. Якка тартибдаги тадбиркорлар учун шахсий даромад солиғининг энг юқори миқдори Германияда, энг ками эса Хитойда амал қилади. Шунингдек, Германия ва Францияда шахсий даромад солиғини ҳисоблашда солиққа тортилмайдиган минимал жорий этилган бўлса, Хитойда бундай минимум қўлланилмайди. Ижтимоий суғурта бадаллари Германияда ихтиёрий белгилаб қўйилган бўлса, Хитойда ушбу бадал тўловлари мажбурийдир.

Якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби асосан МДҲ мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда қўлланилади. Мамлакатимизда йиллар мобайнида қўлланилиб келинаётган қатъий белгиланган тартибда солиққа тортиш тизими ривожланган давлатлар амалиётида мавжуд эмас. Республикада якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортишнинг амалдаги тартиби ривожланган мамлакатлар тажрибалари асосида жорий қилинган.

Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг мамлакатимиз тажрибасида уларнинг асосий солиқ мажбуриятлари қатъий солиқ орқали белгиланган. Маълумки, қатъий белгиланган солиқ якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадига, айланмасига ёки мол-мулкига боғлиқ бўлмаган ҳолда, фаолият тури ва жойига кўра табақалашган қатъий суммада белгиланади. Бу ҳолат якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш тизимида адолатлилик тамойилини бузилишига сабаб бўлмоқда. Чунки фаолият тури ва жойи бир хил бўлса-да, даромадлари турлича бўлган тадбиркорлик субъектлари бир хил миқдорда қатъий белгиланган солиқни тўлайди.

